

---

## **Суд-хуқуқ масалалари бўйича оммавий қабул ўтказилди**

Кунлик иш режага асосан 1-сектор раҳбари фуқароларнинг суд-хуқуқ соҳасидаги мурожаатларига самарали ечим топиш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси раҳбар ходимлари иштирокида Тошлоқ техник хизмат кўрсатиш техникумидаги ташкил этилган оммавий қабулда иштирок этди.

Қабулда Марғилон шаҳри, Тошлоқ ва Қува туманилик 200 га яқин фуқаролар суд-хуқуқ масалаларидаги мурожаатлари билан қатнашишди. Барча мурожаатлар тегишлилигича ўрганилди ва ижросини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Қабул давомида аҳолини қийнаётган муаммолар юзасидан уларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, аксарияти жойида ҳал этилди. Бу эса одамларда давлатга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

2021-04-22 17:55:06